

УЎК: 368.212.214

ЎЗБЕКИСТОН СУЎУРТА БОЗОРИДА СУЎУРТА МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Рахимов Ойбек Бахтиёрович

«SQB INSURANCE» суғурта компанияси акциядорлик жамияти

Хоразм вилоят филиали директори

oybekbfa@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Суғурта ҳаётимизда иқтисодий категория сифатида ижтимоий ва молиявий ҳимоя қилиш учун кучли инструмент ҳисобланади. Жамиятда суғурта маданиятини шакллантириш ва уни ривожлантириш катта аҳамиятга эгадир.

Калит сўзлар: *суғурта, автосуғурта, маданият, мажбурият, транспорт, ходиса, тўлов, зарар.*

ABSTRACT

Insurance as an economic category in our life is a powerful instrument for social and financial protection. Formation of insurance culture in the society and its development is of great importance.

Keywords: *insurance, auto insurance, culture, liability, transport, accident, payment, damage.*

КИРИШ

Ҳар бир жамиятда унинг ривожига бевосита салбий таъсир этадиган техноген, табиий, ёнғин ва бошқа табиий офатлар натижасида юзага келадиган салбий оқибатлар ва уни бартараф этишга қаратиладиган харажатларни бошқариш зурур. Бунда жамият иштирокчиларининг суғурта маданияти ривожланганлик даражаси ушбу юзага келиши мумкин бўлган харажатларни қоплаш, минималлаштириш, тегишли захиралар ва уни бошқариш билан чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди табиий офатлардан эҳтимоллиги юқори бўлганлари учун кучли шамол, zilзила, сел ва бошқа табиий офатлар бўлиши мумкин. Бундан ташқари олов билан боғлиқ бўлган офатлар – ёнғин, электр тармоқлари носозлиги ёки ҳаддан ташқари юкломани ошиши натижасида ёнғин келиб чиқиши ҳамда қуёшда қизиш оқибатида ёнғин келиб чиқиши, ёқиб

юбориш ёки олов билан ўйнаш ва бошқа эҳтиётсизлик хатти-ҳаракатлари натижасида ёнғин келиб чиқиши, газ ускуналарини нотўғри ишлатишда юзага келиши мумкин бўлган ёнғин келиб чиқиши ва портлаш ҳолатлари кузатилади. Ушбу офатлар иқтисодийга ва аҳолига етказган зарарларни давлат бюджетидан компенсация қилишга тўғри келди, лекин ҳар доим ҳам бу молиявий манбаадан самарали ва етарли даражада аҳоли ва корхоналарнинг мол-мулки тўлиқ даражада тиклашнинг имкони бўлмайди.

Фуқаролар бундай ҳолатларда давлат ёрдамига умид қилади ва таянади, бу манбаа етарли бўлмаган ҳолда қариндошлар, яқинлар ёрдамига қаралади. Тан олиш керак кўпчилигимиз кимдир биз ҳақимизда қайғуришига ўрганганмиз. Ваҳоланки қалтисликлар (рисклар) бошқарилишга мойил ва шундай бўлиши зарур. Бунинг учун илм ва молиявий-ижтимоий инструментлар етарли.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Республикамиз ва чет эл тажрибасида жамиятда суғурта маданиятини шакллантиришга қаратилган бир қатор илмий-назарий ҳамда амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда ҳамда ушбу олиб борилган изланиш натижалари амалиётга кенг жалб қилиниб келинмоқда.

Мазкур масалаларга доир илмий ишларнинг қисман мавжудлигига қарамай, жамиятда суғурта маданиятини шакллантириш тушунчаси, жамиятда суғурта маданиятини шакллантириш шартлари ва тартиби каби масалаларнинг ўзига хос жиҳатларини илмий ўрганиш, таҳлил қилиш ва муайян фикр-мулоҳазалар бериш эътибордан биров четда қолмоқда.

Ривожланган давлатларда жамият суғурта ҳимоясига (мол-мулк, бизнес, жавобгарлик, транспорт ва ҳоказо) эга бўлмаган шахс билан ижтимоий-иқтисодий ва бошқа алоқа, муомала қилишдан ўзини олиб қочади. Улар ноҳуш ҳодиса оқибатида харажатлар ўзини эҳтиётини лозим даражада тадбир этмаган шахсдан бошқа шахслар бўйнига ўтказилишини хоҳламайдилар ва тўғри деб билмайдилар. Бу ҳолат шахснинг молиявий ва хусусан суғурта маданиятини шаклланганлигини ва унинг даражасини акс эттиради.

Жамиятда суғурта маданиятини шакллантириш масаласи умумий суғурта масалалари қаторида бир қатор олимларимиз томонидан у ёки бу даражада ўрганилганлигини кўриш мумкин. Жумладан, Ашрафханов Б.Б., Мирсадыков М.А., Абдурахманов И.Х., Сабиров Х.Р.,¹ ва бошқалар томонидан ушбу масаланинг айрим қирралари у ёки бу томонидан очиб берилган.

¹ Мирсадыков М.А., Мирсадыков М.М. Страховие имущества: практическое пособие. – Т., 2014. –С. 251.; Мирсадыков М.А., Ашрафханов Б.Б. Современное состояние и тенденции развития страхового рынка Узбекистана. Страховое дело. – Т., 2001. №11. – С. 201.; Мирсадыков М.А., Страховые риски:

Чет эл олимларидан Федорова Т.А., Сплетухов Ю.А., Дюжиков Е.Ф., Гвозденко А.А., Турбина К.Е., ва бошқалар¹ томонидан эса ушбу масала қисман тадқиқ этилган. Бундан кўриниб турибдики, мавзунинг ўрганилиши, унинг назарий ва амалий аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

НАТИЖАЛАР

Ҳаёт тарзимиз қалтисликларга ва кутилмаган ҳодисаларга бойлиги туфайли жамиятда суғурта инструменти келиб чиққан.

Бизда суғурта маълум бир катта ташкилотлар, банклар, чет эл ваколатхоналари ва бошқа гуруҳларга тегишли бир механизм ва уларнинг бизнеси ва даромад манбаи деган тушунча мавжуд.

Шуни билиш керакки – суғурта бу жамиятни ижтимоий ҳимоя қилиш кучли инструментиدير. Агар тарихга назар соладиган бўлсак, суғурта 5000 йилдан ортиқ тарихга эгадир. Инсоният суғуртадан бошқа кучлироқ бўлган ижтимоий ва молиявий ҳимоя инструменти қашф қилмаган ва уни шу кунгача фойдаланиб ва сақлаб келган.

Занжирсимон (эвалюцион) кетма-кетликда суғуртага таъриф берадиган бўлсак, аввал шахс ҳаёти ва бизнеснинг кутилмаган ҳодисаларга бойлигини ва у хоҳлаган пайт ва замонда рўй беришини тушуниб етади (тан олади), шундай нохуш ҳолатлардан у ҳоли эмаслигини билади. Сўнг шахс молиявий ва суғурта маданияти даражасидан келиб чиқиб, уни муҳимлигини тушуниши натижасида унга мурожаат қилади. Шундан кейин шахс (жамият) суғурта бадалини тўлаш йўли билан захиралар шакллантирилиб, маълум бир ҳодиса рўй берганда шу захиралар эвазига ўз харажатларини қоплайди.

МУҲОКАМА

Суғурта маданияти нима? Бу тушунчани фикрлар гуруҳига бўлиб ва уларни бутун бир фикрга жамлаб тушунишга ҳаракат қиламиз:

Суғурта маданияти:

Бир тарафдан – суғурта механизмларининг асосий мақсад ва вазифалари, моҳияти, молиявий механизмлари ва тартибларини тушуниш;

Иккинчи тарафдан – уни ҳаёт фаолиятимизга татбиқ этилиши муҳимлигини, кераклигини тушуниб етиш, амалда татбиқ этиш, яъни суғуртадан фойдаланиш.

Словарь-справочник. Ассоциация профессиональных участников страхового рынка Узбекистана. – Т., 2010. – С. 108.; Абдурахманов И.Х. Ўзбекистонда жавобгарликни суғурталаш механизмини такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияга автореферат. – Т., 2010. – 20 б.; Собиров Х. Суғурта: 100 савол ва жавоб. – Т.: Мехнат, 1998. – 160 б. 1 Федорова Т.А. Основы страховой деятельности. Учебник. – М.: "РСК", 2001. – С. 124.; Сплетухов Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2002. – С. 216.; Гвозденко А.А. Основы страхования: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2003. – С. 311.; Турбина К.Е. Теория и практика страхования. – М.: изд. Анкил, 2003. – С. 178.

Пул - товар айрибошлаш воситаси сифатида пайдо бўлиши билан бирга суғурта ҳам юзага келган. Бахтсиз ҳодиса ёки нохуш ҳолатлар юзага келиши оқибатларини олдини олишга, пул маблағлари шакллантириш механизмлари пайдо бўлган.

Суғурта – жамиятнинг (шахсларнинг) улар тўлаган суғурта бадаллари эвазига шакллантирилган захиралар ҳисобидан суғурта тўлови (товони) тўлаш йўли билан уларнинг мулкӣ манфаатларини ҳимоя қилиш имконини берувчи воситадир.

Масалани ечими ҳақида ўйлаб кўрсак. Қандай қилиб, биз суғурта маданиятини шакллантирибгина қолмай, уни ривожлантиришга эришишимиз, суғуртанинг афзалликларини аҳолига ва ёш авлодга тушунтиришимиз керак.

Кучли суғурта тизимга эга бўлган давлат нохуш ҳодисалар ва кутилмаган харажатлар юқини суғурта тизими билан тақсимлайди. Суғуртани ривожланиши натижасида бюджет маблағларига бўлган юқламани камайтиришга эришилади.

ҲУЛОСА

Инсонларга ёрдам қўлини чўзиш, оғирини енгил қилиш, моддий ва маънавий кўмак бериш халқимизнинг азалий қадриятларидан саналади. Қадим замонлардан буён одамлар яқинлари ва юртдошларига ёрдам бериш мақсадида турли чора-тадбирларни ўйлаб топишган. Республикамиздаги суғурта компаниялари ҳам бу анъанадан келиб чиқиб турли офат ва ҳодисаларда жабр кўрган фуқароларга моддий кўмак кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйишган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, биз жамият иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини ривожланган суғурта тизими ва шакллантирилган суғурта маданиятисиз тасаввур қилиш мушкул. Шунинг учун биз ушбу мақсадга эришиш учун унинг муҳимлигини тушуниб, тизимли равишда, ҳаракатларни амалга ошириш зарур.

Бу эса аҳолимизнинг суғурта маданияти юқсалалишига, суғурта компанияларининг хизматлари сифати яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Китоблар

1. Мирсадыков М.А., Страховые риски: Словарь-справочник. Ассоциация профессиональных участников страхового рынка Узбекистана. – Т., 2010. – С. 108.
2. Собиров Ҳ. Суғурта: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меҳнат, 1998. – 160 б.
3. Федорова Т.А. Основы страховой деятельности. Учебник. – М.: "РСК", 2001. – С. 124.
4. Сплетугов Ю.А., Дюжиков Е.Ф. Страхование: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2002. – С. 216.
5. Гвозденко А.А. Основы страхования: Учебник. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Финансы и статистика, 2003. – С. 311.
6. Турбина К.Е. Теория и практика страхования. – М.: изд. Анкил, 2003. – С. 178.

Вебсайтлар

7. www.imda.uz Молия вазирлиги хузуридаги суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги сайти.
8. www.tkj.uz Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси сайти.

Икки ва ундан ортиқ муаллифлар

9. Мирсадыков М.А., Мирсадыков М.М. Страховые имущества: практическое пособие. – Т., 2014. – С. 251.
10. Мирсадыков М.А., Ашрафханов Б.Б. Современное состояние и тенденции развития страхового рынка Узбекистана. Страховое дело. – Т., 2001. №11. – С. 201.